

Buyuk kelajak sari! YANGIARIQ OVOZI

Yangiariq tumani hokimligining gazetasi. 1936 yil dekabr oyidan chiqqan boshlagan. 2022 yil 12 may. 7 (8249)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ КАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва кадрлаш кунини кенг нишонлаш, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аجدодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтириб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтда жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда уруш катнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маб-

лағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминлансин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.**
Тошкент шаҳри, 2022 йил 29 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўлами теран, аҳамияти юксак ислохотлар халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, инсон кадрини улуғлаш, фуқаролар учун виждон эркинлиги ҳуқуқини тўлиқ кафолатлашнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар муборак Рамазон ойини бу йил ҳам яратилган қулайлик ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, тинч ва осуда ҳаётнинг кадрига етиш ҳамда унга шукрона келтириш кайфиятида ўтказдилар.

Халқимиз учун эзгулик ва мурувват, руҳий поклигини оғзи ҳисобланган ушбу кутлуғ кунларда уламолар, имом-хатиблар, мухтарам фахрийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари томонидан жойларда 20 мингдан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, саховат тадбирлари доирасида 100 мингдан ортиқ кам таъминланган хонадонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ижтимоий ёрдам ва кўмак кўрсатилди. Бу эса юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш ҳамда Рамазон ҳайити байрами шукҳунинг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Муборак Рамазон ҳайити моҳиятида муҳасам бўлган хайру саховат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик сингари азалий анъана ва кадрларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 2 май – душанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2022 йил 2 май кунини Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиغان кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-35 сонли Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-131 сонли Фармони билан 2022 йил 3-4 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайити халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун муборак Рамазон ҳайити кунларида муътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларини ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.**
Тошкент шаҳри, 2022 йил 30 апрель.

Нишончим комил, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, ҳар бир инсоннинг, аввало, ёшларнинг ҳаёто муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашишга қаратилган инсонпарварлик руҳидаги ишларимизнинг аҳамиятини халқимиз албатта яхши тушунади ва уларни амалга оширишида фаол иштирок этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табриги»дан.

ҚУТЛУҒ КҮН САОДАТИ

Рамазон ҳайити диний қадрият, меҳр-оқибат байрами сифатида кенг нишонланди. Айём арафасида қўллаб маънавий-маърифий, саховат тадбирлари амалга оширилди. Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга ижтимоий ёрдам ва кўмак кўрсатилди.

Идора-ташкилотлар, мурувватли инсонларнинг хайр-

эҳсонлари диний ва қадимий анъаналаримиз бардавомлигининг далили бўлди. Байрам муносибати билан эълон қилинган дам олиш кунлари ҳамюртларимизга ота-оналари, яқинлари билан дийдор кўришиш имкониятини яратди.

Ҳа, тинч ва осойишта Ватанимизда ҳар бир кун шуқуҳли.



Эҳтиром кўрсатилди

9 май – Хотира ва кадрлаш кунини муносибати билан маҳаллаларда меҳнат жамоаларида қўллаб тадбирлар йўлга қўйилди.



Уларда Ватанга садоқат, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳим-мат туйғулари улуғланди. Халқимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги йўлида самарали меҳнат қилган инсонларнинг, 1941-1945 йилларда немис-фашист босқинчиларига қарши бўлиб ўтган жангларда мислсиз жасорат кўрсатган ота-боболаримиз

қаҳрамонликлари тилга олиниб, эзгу фазилатлари эътироф этилди.

Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари – Исmoil Авезов, Аминбой Матниёзов хонадонига вилоятимиз ҳокими Ф.Эрманов, туманимиз ҳокими А.Давлетов, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Ф.Шерматов ташриф буюрдилар ва байрам билан кизгин кутладилар. Давлатимиз раҳбарининг табрикономаси, пул мукофоти ҳамда кимматбаҳо совғаларни топширдилар.

9 май кунини “Хотира хиёбони” аҳоли вакиллари, идора-ташкилотлар раҳбарлари, ёшлар билан гавжум бўлди. Туман ҳокими А.Давлетов бошчилигида у ердаги ёдгорлик пойига гулчамбар қўйилди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

Ёднома

Домла Мамедов

Шогирд агар шайхулислом, агар қозидур,
Агар устоз андин розидур – тангри розидур.

Алишер НАВОЙЙ.

Ўн икки хонадонли ўрамнинг атрофи экинзорлар, бир томондан эса тўқай билан қуршалган. Уйлар орасидан мактаб биноси оқариб кўриниб, ажралиб туради. Унга энг яқин ҳовли бизники. Тўртинчи синфни тамомлаётганимизда баҳорни оқирлаб ётган сел унинг деворларини ўпириб ташлади. Янги ўқув йилидан қолхоз идорасини кўчириб, ўрнига бизни жойлаштиришди. Шу ерда ўқий бошладик. Бугун азиз номлари қалбимда муҳрланиб қолган - Аминбой Ёқубов, Бикажон Собиров, Кутлимурод Разоқов, Машариф Собиров, Солайжон Аҳмедов, Дармонжон Рўзметова, Омонбой Дўсов, Сотимбой Худойназаров, Азимбой Собиров, Абдулла Матқубов каби устозларимни миннатдорлик туйғулари билан эслайман. Дунёдан ўтган бўлсалар-да ҳамиша менга ҳамқадам, ҳамнафасдек.

Жумагалди Мамедов уларга сафдош эди. У кишига ҳамма домла деб мурожаат қиларди. У ғурури, жиддий қиёфали, сипо одам эди. Синфга киргач, олимга, кўнгилчан мураббийга айланарди. Домланинг ана шу хислати, ҳақгўй ва тўғрисиўзлиги бизга жуда ёқарди.

Домла бешинчи синфдалигимиздан то мактабни битказганимизча бизга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бердилар. Олти йил. Вақт нуктаи назардан шундай. Аммо кўлами ва таъсири жиҳатидан – бир умр! Бу - меннинг ва синфдошларимнинг етуклик аттестатини олиб, катта йўлга қадам қўйганимиздан бери ўтган қарийб ярим асрлик давр мобайнида чиқарган хулосамиз.

Ҳар бир дарсни шу қадар пухта, мазмунли, таъсирчан ўтар эдиларки, ҳатто дақиқаларига эсимизда қолган. Сабаби оддий. Домланинг ўз услуби бор эди ва у жуда мукамал эди. Машгулот соати маълум қисмларга ажратилган, лекин қоллига тушиб қолган эмас. Қисмлар мавзуга қараб ўринларини ўзгартириши, узайиши, қисқариши мумкин. Мухими, ўқувчи эътиборини тортиши ва онги-шуурида мустаҳкам ўрнашиб қолиши. Машгулотга ҳеч қачон фақат синф журналдини кўлтқиқлаб кириб келмасдилар. Албатта, бир қўлида каттақон қора портфель бўларди. Айримларимизнинг кўнгирок чалинганидан сўнг ҳам даҳлизда туриб қолиш одатимиз бор эди. Узоқдан домла кўриниши билан ўзимизни ичкарига уриб секин:

- Домла келяптилар, “кутубхона”си билан, - дердик.

Ҳазиломуз, турли ибораларни қўшиб, яхши маънода илмокли гапи-

ришга интилардик. Буни ҳам домладан “юктириб” олганмиз.

Дарвоқе, “кутубхона”си... У китобларга тўла бўларди. Бирор ёзувчи ёки шоирнинг ижоди, ҳаёти ўрганилаётганда домла унинг китобларини варақлаб, баъзи ўринларига алоҳида тўхталардилар ва бизни таништирдилар. Домла шеърни жуда яхши ўқирдилар, берилиб ўқирдилар.

Менга кўпинча шеърни Омон Матжонга ўхшаб ўқийсиз, дейдилар. У киши ҳам устозим, таъсирланиши табиий. Бироқ, шеър ўқини домладан, шеър ёзишни Омон акадан ўрганганман, десам тўғривор бўлади.

Домланинг ҳар бир гапи, у хазилми, чинми юкли бўларди. Бир куни дарсга ёнида қандайдир одамни олиб кирдилар. Текширувчилардан экан. Саломлашгач, бориб орқа қатордаги партага жойлашди ва қалин дафтариини очиб, ён-верига қарамасдан ёза кетди. Шу чоқ кимнингидир китоби “тап” этиб паства тушиб кетди. Домла секин:

- Туша бошлади, - дедилар ва бизга маъноли қараб қўйдилар. Бу гапда “меҳмон” назарда тутилганини дарҳол тушундик...

Домла фикрда аниқликни, сўзга эътиборли бўлишни, уни такрор-такрор ишлагмасликни талаб этардилар. Ҳар бир жумла маънога безаниб, ярқираб туришини хушлардилар. Она тили дарсларида ўқтин-ўқтин бирор сўзни қатнаштириб жумла тузишни сўрардилар. Биз галма-галдан айтардик. Кимники мазмундор бўлса барчамиз – ўттиз олти нафар ўқувчи дафтарларимизга ёзиб қўярдик.

Бешинчи синфда ўқиётган пайтимизда домла “аҳмоқ” сўзини қатнаштириб жумла тузишни буюрдилар. Ҳамма айтяпти. Қани энди меннинг хаёлимга бирор жумла келса. Йўқ. Аслида бу машгулот ихтиёрый эди. Ҳеч ким мажбур қилинмасди. Ахийри синфдошларимдан бири тузган гап маъқул қўрилиб, дафтарга битиладиган бўлди. Шу пайт қўлимни кўтардим. Ишора қилдилар. Уримдан туриб:

- Аҳмоқ аҳмоқлигини қилади, - дедим. Ўзим топдимми ё касрдадир ўқиганманми ҳозиргача аниқ билмайман. Домла бош чайкаб кулиб қўйдилар ва дафтарга ёзишни айтдилар.

Журналистик касбини танлашнимга ҳам домла сабаби бўлганлар. Саккизинчи синфда ўқиётганимизда домла эркин мавзуда иншо ёзиб келишимизни уйга вазифа қилдилар ва уч кунлик муҳлат белгиладилар. Аммо эртаси куни фикрлари ўзгариб қолди.

Вилоят театрининг қишлоғимизга келиши ҳақида пайдо бўлган афишалар бунга сабаб эди. Ҳаммамизга томошага боришимизни ва шу ҳақда иншо ёзишимизни буюрдилар. Мен ҳам эдим. Қолхоз клуби сахнасида ижро этилган “Беш кунлик куёв” пьесаси анча кизиқарли эди. Бироқ санъаткорлар қишлоқ одамларига етарли баҳо бера олишмадимми ё бошқаларнинг ўрнига келишганимиз ижролари суст кечиб, кўплаб хатоликларга йўл қўйдилар. Хуллас, ҳар хил бачкана қилиқлар, йиғлаш ўрнига кулишлар, диалоглардаги нотабийлик томошабинларнинг ғашига тега бошлади. Мен кўпроқ ана шулар ҳақида эдим. Домла мендан рухсат олиб, юкори синфда ўқийдиган опаларимиздан бирига чиройли даст-хатда кўчиртириб иншоини “Хоразм ҳақиқати” газетасига жўнатибдилар. Орадан бир ҳафта ўтмай “Комедия-да комедия” сарлавҳали феълетоним босилиб чиқди.

Аввалдан шеър ёзишни машқ қилиб юрардим. “Шоир” деган лақабга ҳам эга эдим. Мақолам газетда босилганидан кейин обрў-эътиборим ортиб кетди. Бу машҳурлик келажимни ҳал қилдиқўйдди. Тожик давлат университети (Миллий университет)нинг журналистика факультетига ўқишга кирдим. Шундан кейин домланинг нақадар билимли, салоҳиятли, аиникса, ўз шогирдларига меҳрли инсон эканликларини тушундим. Олий таълим давомида фанлардан бирор марта қийналиб қолганимни эслай олмайман. Олийгоҳда ўзбек тилидан сабоқ берувчи Мамлакат Жўрабоевага учинчи курсда имтиҳон топираётганимда ёнидаги ҳамкасбининг “тўрт” қўйсангиз ҳам бўлади, деган маслаҳатига қарата у:

- Йўқ бу талабам хоразмлик. У мен ўқитган бошқа ҳамюртларидан фарқи тил илмини чуқур эгаллаган, беш баҳо қўямиз, - деган.

Тасодифни қарангки, олийгоҳни тамомлаб қайтиб келсам, домла туманимизнинг “Машъал” газетасида муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаётган эканлар. Мен яна у кишининг ўқувчиси бўлиб қолавердим. Илк китобим “Нажот маъбуд”нинг дебючасида қуйидаги жумлалар бор:

“Устозларим - қўлимга илк қалам тутказган, машқларимнинг биринчи таҳлилчиси бўлган Шоназар Эгамов ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб, мени ижод оламига йўллаган Жумагалди Мамедовдан умрбод миннатдорман.”

Шоназар Эгамов устозимиз бошланғич синфда тўрт йил таълим берган. Бугунги ютуқларимда у кишининг ҳам хизматлари катта. Ҳозирда ҳаётлар. Умрлари узок бўлсин.

Жумагалди Мамедов Вақиллар маҳалласида туғилган. Шу ерда яшадилар. Меҳнаткаш, оқибатли фарзандларни воёга етказган, ҳамкасб ва шогирдларининг чеक्सиз хурматига сазовор бўлган инсон. Яқинда саксондан ошиб вафот этдилар. Халқимизни маърифатли қилиш йўлидаги хизматлари унутилмайди.

Жуманазар ЮСУПОВ.

Хизматлар
ҳажми ошди

Жорий йилнинг январь-март ойларига туманда 97,1 млрд. сўмлик бозор хизматлари кўрсатилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг ҳажми 10,8 фоизга ошган.

Хизматлар таркибида йирик корхоналарнинг улуши 22,7 фоизни, кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши эса 77,3 фоизни ташкил қилган.

Шу мuddат давомида ишлаб чиқарилган 96,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари тўлиқ кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган. Уларнинг 83,4 фоизини тўқимачилик, 11,6 фоизини озиқ-овқат, 1,5 фоизини резина ва пластмасса маҳсулотлари ташкил қилган.

Манзура ЮСУПОВА,
туман статистика бўлими бош му-
таҳассиси.



Меҳр оғушида

Болаларнинг ширин сўзларидан руҳланаман. Кўзлариди қувонч кўриб сезинаман. Касбим билан фахрланаман. Мен фаолият юритаётган 12-мактабгача таълим муассасаси 1975 йилдан бери болажонларнинг севимли масканига айланган. Ҳозирда бу ерда 115 нафар тарбияланувчи бор. Улар беш гуруҳга жамланган. Машгулотлар кенг ва ёруғ хоналарда кичкинтойларнинг ёши, жисмоний имкониятлари назарда тутилган ҳолда олиб борилади. “Табнат ва фан”, “Математика ва қуриш-ясаш”, “Санъат”, “Нутқ ва тил” бурчаклари ташкил этилган. Уларда шуғулланиш болалар учун жуда мароқли. Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар мактабгача таълимнинг “Илк қадам” ўқув дастури бўйича режа асосида ўқитилиб келинмоқда.

Кичкинтойларга мўлжаллаб чоп этилган бадий адабиётлар – шеър, хикоя, эртаклар тўпламлари ўрин олган кутубхона эса тарбияланувчиларига эмас, уларнинг ота-оналари учун ҳам энг манзур жой. Жажжи ўғил-қизлар “Зумрад ва Қиммаг”, “Ур тўқмоқ”, “Эгри ва тўғри”, “Эчки болалари” эртакларини жуда яхши кўришади, “Нима, касрда?”, “Ўхшашини топ”, “Жуфтини топ”, “Ўрнига қўй” каби ўйин машгулотларига катта кизиқиш билан қатнашадилар.

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганини ҳисобга олиб, улар қалбига меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишга, уларнинг дунёқарашини, нутқини шакллантиришга ҳаракат қиламиз. Бунда директор Г.Собирова, тарбиячилар А.Саъдуллаева, Р.Шерматова, М.Ҳасанова, С.Назарова, Қ.Қаландарова, Г.Ҳайитбоеваларнинг хизматлари катта.

Лобар РАҲИМОВА.

1945 йил, 9 май

Аслида у ҳам бир оддий кун эди,
Навбатда келиб кетганларидай.
Аммо, мен танҳоман, улугман, деди,
Ғурурдан қувончи ичига сигмас.

Онгу шуурига инсониятнинг,
Ўз номини мангу ёзиб қўйди у.

Рўбени бериб эзгу ниятнинг,
Тинчликнинг муҳрини босиб қўйди у.

Май ойини энг қутлуғ, муҳташам куни,
Жонланган хотира, юсалган қадр.
Лаҳзаси тўлиқ бахт, бағри бутуни,
Дунё саодатини ифодасидир.

Муҳаббат ҚАЛАНДАРОВА,
36-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.